QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI
BERUNIY TUMANI XALQ TA'LIMI BO'LIMI

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI
XALIQ BILIMLENDIRIW MINISTRLIGI
BERUNIY RAYONLIQ XALIQ BILIMLENDIRIW BO'LIMI

Qoraqalpog'iston Respublikasi Beruniy Shahri Xalqlar do'stligi ko'chasi 16 uy. Tel: 524-28-58; Faks: 524-31-26

№ 619 «19» апрел 2021 йил

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**халқ таълими вазири Р.Реимовга**
**Нусхаси: Беруний тумани "Беруний" ОФЙ Тинчлик махалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Дамира Дуйшеновага**

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 07 апрелдаги № 1729 сонли хатига илова қилинган Беруний тумани "Беруний" ОФЙ Тинчлик махалла фукаролар йиғинида яшовчи фукаро Дамира Дуйшенованинг " Беруний тумани Беруний ОФЙдаги 55-умумтаълим муассасаси директори М.Рейимбаевга норозлик билдирганлиги бўйича ва ўз иш вазифасида колиш тўғрисида" қилган мурожаати тегишли тартибда мутахассислар билан биргаликда ўрганиб чиқилди ва натижаси бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз:

Ўрганиш бўйича, халқ таълим бўлимининг 2021 йил 8 апрелдаги №86 сонли буйруқга асосан тузилган ишчи гурух иштирокида ва саволнома асосида мактаб фаолиятини ўрганилиб, қўйидагилар аниқланди.

Мактабнинг физика фани ўқитувчиси Д. Дуйшенованинг мактабда иш вақтида бўлиши ўрганилганда 2021 йил 16 - феврал куни иккинчи смена вақтида кетиб, 22 февраль куни келган ва бу вақт оралиғида ишда бўлмаган сабабига ўз тушунтириш хатида қариндошнинг тўйига директордан оғзаки рухсат сўраганлигини билдирган, шу кунги дарсларни психолог Казакова Гулбахор 16-февралдан 20 - феврал кунига қадар жами 12 соат дарс соатини ўқитган. Шунингдек ўрганиш жараёнида мактаб директорининг 2021 йил 1-мартдаги № 31-сонли буйруғи асосида Д.Дуйшенованинг 16-февралдан 20- феврал кунига қадар ишга келмаганлиги сабабли ундан жами 12 соат ўқув соатини қирқиб қолиш ва шу 12 соат ўқув соатини март ойида қўшимча равишда Г. Казаковага тўлаш хақида буйрук чиқрилган. Мактаб рахбарияти томонидан мактабнинг 11"а"- синфи журнал йўқолганлиги бўйича Беруний тумани ХТБ нинг ўқув бўлимига ёзма равишда билдирги берилган ва синф учун вақтинчалик журнал 17- феврал санасидан бошлаб юритилган. Ўқитувчи Д.Дуйшенованинг аризасида кўрсатилган моддий ёрдам ва мукофот пулларини берилмасдан келаётганлиги тўғрисида ёзганлигини

ўрганилганда. Д.Дуйшеновага мактабнинг махсус комиссияси томонидан чиқарилган , 2018 йил 31 май кунги № 5 баённомаси қарори билан 900.000 сўм мукофот, 2018 йил 1 июл кунги №7 сонли баённомасининг қарори билан 900.000 сўм моддий ёрдам , 2019 йил 30 апрел кунги № 4 сонли баённомасининг қарори билан 1.614.581 сўм мукофот пуллари берилган.

2021 йил 13 феврал куни мактаб маъмурияти мажлисида Д.Дуйшенованинг меҳнат интизомини бузганлиги ҳамда сабабсиз ишга келмаганлиги муҳокама қилиниб , баённома тузилган ва унга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 181 моддасининг 1 қисмига мувофиқ ҳайфсан бериш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу тўғрисида мактаб директори яъни иш берувчи томонидан 2021йил 13 феврал куни № 22 сонли буйруқ чиқарилган ҳамда далалотнома тузган.

2021 йил 24 март куни мактаб маъмурияти мажлисида, Д.Дуйшенованинг меҳнат интизомини бузганлиги ва сабабсиз ишга келмаганлиги, қайта такроран ўзига белгиланган вазифаларни бажармаганлиги , 2021 йил 1 март куни сабабсиз ишга келмаганлиги учун касаба уюшмаси қўмитаси раиси М.Жуматовга 2021 йил 1 март кунги № 62 сонли хат билан мурожаат қилган. Мурожаатда ходим Д.Дуйшенова билан иш берувчи томонидан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга келишув қарорини сўраган. Касаба уюшмаси томонидан мактаб маъмуриятининг хати тегишли тартибда ўрганилиб , 2021 йил 18 март куни № 8 сонли баённомасида ходимнинг ишга нима сабабдан келмаганлиги сўралганда. 17.18.19.20-феврал кунлари қариндошининг тўйида бўлганлигини бу бўйича директордан оғзаки рухсат сўраганлигини ва маъмуриятдан кечирим сўраганлигини инобатга олиб енгилроқ интизомий чора кўриш юзасида касаба уюшмасининг қарор қабул қилган.

Шундан кейин, 2021 йил 24 март мактаб маъмурияти томонидан Д.Дуйшеновага нисбатан 16 февралдан 20 февралгача сабабсиз ишга келмаганлиги учун унинг 12 дарс соати иш ҳақи қирқилганлиги яна 1-6 мартгача ишга келмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 181- моддасининг 2 қисмига мувофиқ интизомий чора сифатида ойлик маошининг 30% миқдорда жаримага солинган ва бу ҳақда иш берувчининг 2021 йил 24 март санасида № 41 сонли буйруғи чиқарилган.

Д.Дуйшенованинг 2021 йил 14 апрел кунги ХТБ ишчи гуруҳига берган тушунтириш хатида аризани ўрганиш жараёнидан норози эканлигини билдирган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мурожаат эгаси Д.Дуйшеновага ўрганилган масалаларни шахсан ўзи иштирокида батафсил кўриб чиқилганлигини ва аризасида кўрсатилган " директорига берилган 2000 млн сўм пулни қайтармади" деган мазмундаги масаласини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига мурожаат қилиши мумкинлиги бўйича тушунчалар берилди ва у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинмаганлиги тўғрисида маълум қиламиз.

Тегишли ҳужжатлар илова қилинади.

**Беруний тумани халқ таълими**
**бўлими мудири** **А.Худайбергенов**

Beruniy tumani X.T.B ga qarashli 55-maktab fizika fani o'qituvchisi Deyxanova Damiradan. X.T.B bo'limi ishchi guruhiga

# Tushuntirish xati.

Beraman ushbu tushuntirish xatni shu to'g'risida u ham bo'lsa, men haqiqatdan ham shu yuqorida ko'rsatilgan maktabda fizika fani o'qituvchisi bo'lib ishlayman. Haqiqatdan ham men X.T.B ga qarashli №55-maktab direktori Sh. Reyimboyev ustidan norozi bo'lib ariza yozganim to'g'ri.

Lekin ushbu shikoyat arizam bo'yicha Beruniy tuman X.T.Bdan kelib tekshiruv o'tkazgan ishchi guruh bir taraflama ish olib borib, safsa holatlariga aniqlik kiritmasdan meni dovoyimni gap so'zlarimni e'tiborga olmasdan, faqat maktab direktori Sh. Reyimboyevga yon bosdi. Uning menga nisbatan noqonuniy hatti harakatlarini xas-po'stlab yopishga harakat qildilar. Meni hech qanday xayfsanim yo'q meni bundan xabarim yo'q degan gaplarimga e'tibor ham bermadi.

Har qalpidek men o'quvchilarga 6-kun pasport olib berishga ketadigan kunimda. O'qituvchilar darslarimni o'tmasdan ya'ni so'ngi $12-13^{30}$- yoki $12^{00}-14^{00}$ gacha darslar qolib ketib o'tilgan majlisda meni ayblash niyatida uyushtirilgan tarzda menga xayfsan berdim deb dalolatnoma tuzilgan. Men hech qanday xayfsandan ham dalolatnomadan ham xabarim yo'q bu haqida keyin eshitdim. Bu haqida ishchi guruhga aytganimda ular e'tibor bermasdan dalolatnomaga qo'l qo'yganlarga meni xabarim yo'q ekanini kiritmasdan tushuntirish xatlarini yozdirib olishdi. Jumatov Mirzobek men bunga ya'ni bu xatga Damirani javob qilganini bilmasdan qo'l qo'yganman deyishiga qaramasdan. Tushuntirish xati yoz deb aytdi. Jumatov Mirzobek men Damiraga yangi intizomiy

Samarqand konchilik institutida o'qigan psiholog.
Gulbahor opa bu darsni o'ta olmaydi.

Shu holatlarga va meni sizga taqdim
qilayotgan narsa va faktlarni jomiy o'rganib
diqqat baho berishingizni, va meni 2021 yil
13-aprel kuni o'tkazgan X.T.B guruhi.
ishchi guruhi o'tkazgan tekshiruvdan norozi
ekanimni bayon qilyapman. Disket yozuvini to'liq
eshitib keyin xulosa qilishingizni odilana qondirishingizni
so'rayman.

1) O'quvchilar. 26-fevral kuni yozgan
arizalari.

2) Kvitansiya-
3) M. Radjabboyev yuborgan ma'lumotnoma o'z qo'li
bilan yozilgan.

4) Jurnal 16-17-18-19-20- fevral kunlari meni
yozganim isboti. nusxasi.

5.) Kasallik byulleteni va analiz natijalari.
6.) Disket.
14-Aprel. 2021 yil. [signature] Quyshenova. D.M.

**Беруний тумани Х Т Б га қарашли 55-сонли умумий ўрта таълим мактабда 2021 йил 13 апрел куни таълим-тарбия фаолиятини ўрганиш бўйича маълумотнома**

Мактаб фаолиятини халк таълим бўлимининг 2021 йил 8 апрелдаги №86 сонли буйрукга асосан тузилган ишчи гурух иштирокида ваа саволнома асосида ўрганилганда куйидагилар аникланди:

1. Беруний тумани 55- сонли мактаб 1975 йил қурилган. Мактаб директори Рейимбаев Махмуджон 2018 йилдан ишлаб келмоқда. Мактаб қуввати 270 ўринга мўлжалланган. Мактабда 2020-2021 ўқув йилида 25 та синф комплекти бўлиб, жами 517 ўқувчи икки навбатда ўқиб келмоқда. Ўқитувчилар сони 45 нафар шундан 32 нафари олий маълумотли, 13 нафари ўрта махсус маълумотли. Мактабдаги 45 нафар педагогнинг 1 нафари олий тоифали, 3 нафари биринчи тоифали, 13 нафари иккинчи тоифали ва 28 нафари мутахассис ҳисобланади.
2. Мактабда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари қоникарли. Мактабнинг йиллик иш режаси асосида педагогика кенгаши ўз вақтида ўтказилган. Кенгаш баённомалари ва карорлари ёзилган.
3. Қатъий назоратда турадиган хужжатлар ўрганилганда жорий ўқув йилидаги 11"а"-синф журнали мавжуд эмаслиги аникланди. Сабаби сўралганда бу синф журнали жорий йилнинг 16-феврал куни йўқолганлигини мактаб директори М. Рейимбаев ва ўқув ишлари ибўйича директор ўринбосари М. Ражапбаевлар айтишди. Журнал йўқолишида синф раҳбари Дамира Дуйшенова 16-феврал куни уйига олиб кетганлигини ва шундан кейин журнал кайтариб олиб келмаганлигини билдирди. Синф рахбари Д. Дуйшеновадан бу ҳақда сўралганда у синф журналини олиб кетмаганлигини 16- феврал куни тушдан кейин мактабдан кетиб қолганлигини ва мактабга 22- феврал куни келганлигини айтди. Синф раҳбари томонидан 11-а синф ўкувчиларидан ёздириб олинган тушунтириш хатларида, 17- феврал куни дарсга кирган ўқитувчилар инглиз тилидан Қўшшанова Ш ва жисмоний тарбия ўқитувчиси Уразбаев Русланлар журнал билан кирганлиги мазмунида ёзишган. Д.Дуйшенова томонидан 11 а синф ўқувчиларининг 26 феврал куни директор номига ёзилган аризалар нусхаси тақдим қилинди. Ариза нусхаларида руйхатга олинган белги йуқлиги аникланди. Журнал йўқолиши муносабати билан 16 -феврал куни 5 - соатда геометрия дарсини ўтган Мурот Пўлатов, 17 - феврал куни 1 соат дарсда Шахноза Қўшшанова ва Уразбаев Русланлар

синфга журналсиз кирганлигини айтишди ва бу ҳақида улар тушунтириш хатларини ёзиб беришди. ( тушунтириш хатлар илова қилинади). Мактабнинг 11"а" синф раҳбари Д. Дуйшенова физика фанидан 24 соат дарс соати ва 0,5 ставка физика фани лобаранти бўлиб ишлаб келаётганлиги аниқланди. Шунингдек 11"а" – синф ўқувчиларидан ёзган тушунтириш хатлари ҳақида сўралган синфдаги 15 нафар ўқувчиларнинг барчаси 17- февралда Шахноза Қўшшанова ва Уразбаев Русланлар журналсиз дарс ўтганлиги ҳақида айтишди.

4. Мактаб раҳбарияти томонидан мактабнинг 11"а" – синфи журнал йўқолганлиги бўйича Беруний тумани ХТБ нинг ўқув бўлимига ёзма равишда почта оркали билдирги берилган ва синф учун вақтинчалик журнал 17- феврал санасидан бошлаб юритилган. Вақтинчалик журнал юритиш бўйича мактаб директори томонидан буйруқ чиқарилмаган.
5. Мактабнинг физика фани ўқитувчиси Д. Дуйшенованинг мактабда иш вақтида бўлиши ўрганилганда 2021 йил 16- феврал куни иккинчи смена вақтида кетиб, 22 февраль куни келган ва бу вақт оралиғида ишда бўлмаган. Бунинг сабаби сўралганда , ўқитувчи Д.Душейнова мактаб директори М. Рейимбаевга кариндошининг тўйига бориши кераклигини айтиб ишдан оғзаки равишда рухсат сўраганлини ва 22 феврал куни ишга келиб, мактаб директорининг оғзаки кўрсатмаси бўйича синф журналларини ишда бўлмаган вақтдаги саналарни ёзиб журнални тўлдирган ва ўқувчиларни баҳолаганлигини айтиб ўтди. Бу ҳақда мактаб директори М. Реимбаевдан сўралганда, ўзи ҳам ЎТИБДЎ М. Ражапбаев ҳам журнални ёзиш бўйича кўрсатма бермаганлигини айтишди. Д.Дуйшенованинг 9"а"-синф ўқувчиларига журналда қўйилган баҳолар кундалик дафтарларида йуклиги аникланди. (ўқувчилар-Диёра Давлатбаева, Дастан Давлатбаев, Динара Давлатбаева, Зилола Қўчқарова , Гулшода Турсунбаеваларнинг кундалик дафтарлари журнал билан солиштирилди. Унинг ўрнига мактаб раҳбарияти томонидан оғзаки кўрсатма асосида Казакова Гулбаҳор 16-февралдан 20 - феврал кунига қадар жами 12 соат дарс соатини ўқитган, бирок мавжуд синф журналларига таквим мавзу режа бўлмаганлиги сабабли ёзмаган. Бу ҳақда Г. Казакова тушунтириш хатида ёзган. Шунингдек ўрганиш жараёнида мактаб диреторининг 2021 йил 1-март даги № 31-сонли буйруғи асосида Д.Дуйшенованинг 16-февралдан 20- феврал кунига қадар ишга келмаганлиги сабабли ундан жами 12 соат ўқув соатини киркиб колиш ва шу 12 соат ўқув соатини март ойида қўшимча равишда Г. Казаковага тўлаш ҳақида

буйруқ чиқрилганлиги аниқланди.( тушунтириш хат ва буйруқ илова қилинади)

6. Ўқитувчи Д.Дуйшенованинг аризасида кўрсатилган моддий ёрдам ва мукофот пулларини берилмасдан келаётганлиги тўғрисида ёзганлигини юзасида ўрганилганда, Д.Дуйшеновага мактабнинг махсус комиссияси томонидан чиқарилган , 2018 йил 31 май кунги № 5 баённомаси қарори билан 900.000 сўм мукофот, 2018 йил 1 июл кунги №7 сонли баённомасининг қарори билан 900.000 сўм моддий ёрдам , 2019 йил 30 апрел кунги № 4 сонли баённомасининг қарори билан 1.614.581 сўм мукофот пуллари берилганлиги аниқланди. ( баённома нусхалари илова қилинади).
7. 2021 йил 13 феврал куни мактаб маъмурияти мажлисида Д.Дуйшенованинг меҳнат интизомини бузганлиги ва сабабсиз ишга келмаганлиги муҳокама қилиниб баённома тузилган ва унга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 181 моддасининг 1 қисмига мувофиқ ҳайфсан бериш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу тўғрисида мактаб директори яъни иш берувчи томонидан 2021йил 13 феврал куни № 22 сонли буйруқ чиқарилган.
8. Ўқитувчи Д.Дуйшенованинг 2021 йил 16,18,19-феврал кунларда физика фанидан жами 12 соат дарсни сабабсиз қолдирганлиги бўйича 2021 йил 27 феврал куни навбатдан ташқари педогог кенгаши йиғилиши ўтказилиб, муҳокама қилинган. Муҳокамада ўқитувчи Д.Дуйшенованинг юқоридаги саналарда ҳақиқатда ишга келмаганлигини мактабнинг навбатчи ходимлари тасдиқлаган ва мактабнинг "келди- кетди"хужжатларида қайд қилиб борилган. ( навбатчи ходимларнинг тушунтириш хатлари илова қилинади)
9. Муҳокама қилингандан кейин, ўқитувчи Д.Дуйшенованинг 2021 йил 16,18,19-феврал кунларда физика фанидан жами 12 соат дарсни сабабсиз қолдирганлигини, синф журналининг йўқотилиши тўғрисида, ички меҳнат тартиб- қоидаларига бўйсинмаганлигини бўйича педогог ходимлар иштирокида 2021 йил 27 феврал куни далолатнома тузилган.Д.Дуйшенованинг ўтмаган дарслари иш ҳақини феврал ойлик иш ҳақидан ушлаб қолиш тўғрисида 2021 йил 27 феврал кунги №26 сонли буйруқ қабул қилинган. Ходим тузилган далолатнома ва буйруқ ( феврал ойининг иш ҳақи таъбели )
10. 2021 йил 24 март куни мактаб маъмурияти мажлисида Д.Дуйшенованинг меҳнат интизомини бузганлиги ва сабабсиз ишга келмаганлиги, қайта такроран ўзига белгиланган вазифаларни бажармаганлиги , 2021 йил 1 март куни сабабсиз ишга келмаганлиги учун касаба уюшмаси қўмитаси

раиси М.Жуматовга 2021 йил 1 март кунги № 62 сонли хат билан мурожаат килган. Мурожаатда ходим Д.Дуйшенова билан иш берувчи томонидан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга келишув қарорини сўраган. Касаба уюшмаси томонидан мактаб маъмуриятининг хати тегишли тартибда ўрганилиб , 2021 йил 18 март куни № 8 сонли баённомасида ходимнинг ишга нима сабабдан келмаганлиги сўралганда , 17,18,19,20- феврал кунлари қариндошининг тўйида бўлганлигини бу бўйича директордан оғзаки рухсат сураганлигини ва маъмуриятдан кечирим сўраганлигини инобатга олиб енгилроқ интизомий чора кўриш юзасида касаба уюшма қарор қабул қилган.

11. 2021 йил 24 март мактаб маъмурияти томонидан Д.Дуйшеновага нисбатан 16 февралдан 20 февралгача сабабсиз ишга келмаганлиги учун унинг 12 дарс саоти иш ҳақи қирқилганлиги яна 1-6 мартгача ишга келмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 181- моддасининг 2 қисмига мувофиқ интизомий чора сифатида ойлик маошининг 30% миқдорда жаримага солинган ва бу ҳақда иш берувчининг 2021 йил 24 март санасида № 41 сонли буйруғи чиқарилган.
12. Д.Дуйшенова томонидан интизомий жазо қўллашдан олдин ёзма тушунтириш хати сўралганда тушунтириш хатини ёзмаслигини айтган.
13. Д.Дуйшенованинг 2021 йил 14 апрел кунги ХТБ ишчи гурухига берган тушунтириш хатида аризани ўрганиш жараёнидан норози эканлигини билдирган. Мурожаат эгаси Д.Дуйшеновага ўрганилган масалаларни шахсан ўзи иштирокида батафсил кўриб чиқилганлигини ва аризасида кўрсатилган " директорига берилган 2000 млн сум пулни қайтармади" деган мазмундаги масаласини хуқуқни муҳофаза қилувчи органларига мурожаат қилиш мумкинлиги буйича тушунчалар берилди.

Маълумотномага имзо чекувчи ишчи гуруҳлар :

| | | |
|---|---|---|
| 1. М.Камалова | [signature] | ХТБ ходими |
| 2.А.Матчанова | [signature] | ХТБ ходими |
| 3. А.Исмаилов | [signature] | 70 мактаб ЎТИДУ |
| 4. И.Халилаев | [signature] | 16 мактаб ЎТИДУ |

Таништирилди:

М.Реимбаев 55 мактаб директори

“”

“Тасдиқлайман”

55-мактаб директори: М.Рейимбаев

24.02.2021

# ДАЛОЛАТНОМА

Тузилди ушбу далолатнома у хам булса 2021 йил 22 феврал куни мактаб маъмурияти томонидан 16 феврал куни 2 сменада 11 А синф журнали йуқ олганлигини шу кунги навбатчи Уразбаева Наргиза маълум қилди. 17 феврал куни мактаб директорига малум қилинди. 17 февралдан бошлаб вақтинчалик журнал тутилди.

1.Ражапбоев Матназар

2.Ўразбоева Наргиза

3.Казакова Гулбахор

4.Юсупова Саломат

5.Маткаримов Мумин

Психологик Маълуматнома

Берилди ушбу маълуматнома 55-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Қўзибоев Мухтор Шукурулло ўғли билан ўтказилган суицидал хатар сўравномаси пайтида бу ўқувчининг психологик охвали яхшилиги ва умуман ўқувчи ҳаётида суицидга мойлигик бўлмаганлиги ота-онаси томанидан ҳам тастиқланди.Психологик кузатув натижаси суицидал ҳаф-ҳатарга моилик методикаси 50/ кўрсатди.Қўзибоев Мухторнинг хаётга,ўқишга қизиқиши яхши атроф мухитга тасирчанг эмас мулақати яхши

Мактаб психологиги: Н.Ўразбоева

Г.Казакова

# ДАЛОЛАТНОМА

Тузилди ушбу далолатнома Беруний тумани ХТБга карашли №55 мактабда 2021-йил 27 феврал куни куйидаги комиссия аъзолари иштирокида:

1. Мактаб директори — М.Рейимбаев
2. Касаба уюшма раиси — М.Жуматов
3. Ў.И.Б.Д.Ў: — М.Ражапбаев
4. М.М.И.Б.Д.Ў — Г.Худайбергенов
5. М.М.И.Б.Д.Ў — С.Юсупова
6. Ўкитувчи: — Ш.Юлдашева
7. Психолог: — Г.Казакова

**Далолатнома мазмуни куйидагича:**

Беруний тумани халк таълими бўлимига карашли 55-сонли умумий ўрта таълим мактабида **2021**-йил **27-феврал** куни мактабда соат **12-00** да навбатдан ташкари педагогика кенгаши бўлиб ўтди ва унда 40-нафар ўкитувчи ходимлар иштирок этди.унда кун тартибидаги асосий масаладан бири физика фани ўкитувчиси Дуйшенова Дамиранинг мехнат интизомига бўйсунмай ўз билганича иш килиб юрганлиги мухокама килинди. Бунга яккол мисол килиб физика фани ўкитувчиси **2021**-йилнинг **16-феврал** куни хафтанинг **2** (**сешанба**) кунида 2 (**иккинчи**) сменада физика фанидан 7-А синфдаги **1 соат** дарси.7-Б синфдаги **1 соат** дарси.6-А синфдаги **1 соат** дарсини ўкитмасдан ташлаб кетиб колганлиги шу кундаги иккинчи сменадаги навбатчи ўкитувчи Сейитова Дилфузанинг билдиргисида бу хакда маълум килинган.Шу куни Дуйшенова Дамира дарсларимни ўкитмайман.кўлларидан келганларини аямасинлар деб кетиб колган. Шу кундан бошлаб Дуйшенова Дамиранинг рахбарлик килаётган 11-А синф журнали хам йўк бўлиб колган.11-А синф журналини физика лаборатория хонасида ёзиб ўтирганлигини кўрган ўкитувчилар хам бўлган.Шу кундан бошлаб Дуйшенова Дамира хафта давомида **4 (тўрт)** кун давомида мактабга.ишга бўлган маъсулиятини хис килмаган холда хеч кандай сабабсиз келмади.Дуйшенова Дамиранинг хафталик жами 24 соат физика фани дарсидан 12 соати ушбу хафтада ўтилмай колди.Хафта давомида 5 (бешинчи) кундаги 11-А синфдаги маънавият дарси хам ўтилмади.шанба кунларидаги мактабнинг хафталик мажлислирига хам умуман катнашмай келмокда.

Дуйшенова Дамира хафтанинг душанба куни яъни 22-феврал куни хеч нарса бўлмагандек келиб нима сабабдан ўтган хафтада колдирган кунлари учун мактаб рахбариятига хеч кандай изох бермасдан.хаттоки мактаб рахбарияти ходимларига салом хам бермасдан ўз ишини давом эттириб. ўтган хафтадаги ўкитмай колдирган физика фанидан синфлардаги синф журналларини хам ёзиб тўлдириб ташлаган.

Мактаб ўкув ишлари бўйича директор ўринбосари Ражапбаев Матназар унинг рахбарлик килаётган 11-А синф журналини сўраганда Дуйшенова Дамира Ражапбаев Матназарга журналага **сен** жавоб берасан деб унга кўпол муомилада бўлиб дўк - пўписа килган.

Мактаб директори М.Рейимбаев ва мактаб касаба уюшмаси раиси Жуматов Мирзабек физика фани ўкитувчиси Дуйшенова Дамирани директор хонасига чакириб унинг нима сабабдан ўтган хафтада ишга келмаганлигининг сабабини сўраганда у менга хайфсан берибсизлар шунинг учун **атайлаб** келмадим деди ва кўлингиздан келганини килинглар. мен хеч нарсадан кўркмайман бу мактабингиздаги коллективингиз мен учун **бир тийинга киммат** деб директор хузурида кўпол гапириб.мен сизларнинг хеч кандай шанба кунидаги мажлисингиз менга кизикмас мен шанба куни ўкувчиларимни паспорт столига олиб бораман деди. Мактаб директори М.Рейимбаев менинг рухсатимсиз ўкувчиларини хеч каерга олиб бормайсан деган гапига хам кулок солмади.мен рухсатни **Халк таълими бўлми**дан сўраб кўйибман барибир олиб

бораман ўкувчимларимни шанба куни деб рухсатсиз 27-феврал куни 11-А синфдаги **3 (уч)** нафар ўкувчи кизни хеч кандай рухсатсиз олиб кетган ва 27-феврал куни хам мактабга келмади ва мажлисга катнашмади.

Ушбу далолатномадаги юкорида кўрсатилганганларнинг тўғрилигини тасдиклаб имзо чекувчи комиссия аъзолари:

Мактаб директори М.Реймбаев

Касаба уюшма раиси М.Жуматов

Ў.И.Б.Д.Ў: М.Ражапбаев

М.М.И.Б.Д.Ў F.Худайбергенов

М.М.И.Б.Д.Ў С.Юсупова

Ўкитувчи: Ш.Юлдашева

Психолог: Г.Казакова

имзо чекишдан бош тортди.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI
BERUNIY TUMANI XALQ TA'LIMI BO'LIMI
55-UMUMIY O'RTA TA'LIM
MAKTABI
16. 04. 2021
№ 87
238206 Beruniy tuman Beruniy O F Y

# маълуматнома

2020 йил 2-сентябрдаги "Ўқув саотларини тақсимлаш ҳақида"ги № 61 Буйруқ билан 2020-2021 ўқув йилида фазика фани ўқитувчиси Дуйшенова Дамирага фазика фанидан 24 ўқув соати ва 0,5 ставки лобарант вазифаси берилган.

Ўқитувчиси Дуйшенова Дамира ишдан бўшамаганлиги ҳақида буйриқ чиқарилмаган.

Ҳозирги кунда ўқитувчи Дуйшенова Дамира ўз вазифасида ишини давом қилдирмоқда.

Маълуматнома тегишли жойга тақдим қилиш учун берилди.

Мактаб директори М.Рейимбаев

---

№ 31 Буйруқдан кўчирма
1. 03. 2021 йил

Ўқув соатларини бериш ҳақида

Ўқитувчи Дуйшенова Дамира ишга келмаганлиги сабабли физика фанидан Хазакова Гулбаҳорга вақтинчалик ўқитишга рухсат берилсин. 2021 йил 16-февралдан 20-феврал оралиғидаги, физика фанидан эка-ли 12 ўқув соатини ўқитувчи Хазакова Гулбахор ўқитганлиги сабабли унинг иш ҳақи март ойига қўшиб тўлансин.

Асос: ЎИДЎ М. Дақанбаевнинг билдиргиси

Директор М. Рейимбаев.

№22 Буйруқдан кўчирма
13.02.2021 йил.

Интизомий чора кўриш ҳақида.

Мактаб ички тартиб қоидаларига риоя қилмай, меҳнат интизомини бузганлигини инобатга олиб қуйида номлари кўрсатилган ўқитувчиларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси М.Книнг 181-модда 1-қисми билан интизомий чора сифатида „Ҳайфсан" берилсин.

1. Жуматов Сайдулла.
2. Жуматова Шахноза
3. Дуйшенова Дамира
4. Сейтумова Нигора
5. Нурумбетова Умида
6. Мусаева Хабиба.
7. Розимова Роза.

Асос: 2021 йил 13 феврал куни ўтказилган мажлис қарори

Директор М.Дейимбоев

Ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ёки бермаслик тўғрисида Беруний туман мактаб мамурияти мажлиси баённомасидан кўчирма

# Баённома

2021 - йил 13-февроль

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ўқитувчи Дуйшенова Дамира меҳнат интизомлигини бузганлиги учун чора кўриш ҳақида.

Тингланди ЎИБДЎ М.Ражапбоев сўзи.
Ўқитувчи Дуйшенова Дамира меҳнат интизомини бузганлиги ва сабабсиз ишга келмаганлиги учун унга нисбатан қайта такраран ўзига белгиланган вазифаларни бажармаганлиги учун биринчи маратоба 181 -модданинг 1-қисмига мувофиқ ҳайфсан берилишини сўради.

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Мактаб маъмурияти:
Ўқитувчи Дуйшенова Дамирага нисбатан М.К 181 -модданинг 1-қисмига мувофиқ ҳайфсан берилсин.

Иш берувчи **мактаб директори:** **М.Рейимбаев**

ХТБ 55 мактабнинг навбатдаги
мажлиси
баённомаси. 13.02.21

катнашди
сабабли 4 33.

Кун тартибида:

1 Мактаб ички тартиб интизоми тўғрисида.

2. Ўқитувчиларнинг дарс ўтиши, ХТБ томонидан топшириқларнинг бажарилиши.

3. Ўқитувчилар тартиб интизомига кўрилган чоралар.

Биринчи масала юзасидан
мактаб директори М. Рейимбоев
сўзга чиқиб хафта давомида олиб
борилган ишлар тўғрисида гапирди.
Ўқитувчилар томонидан йўл қўйилган
камчиликлар тахлил қилиниб айрим
ўқитувчиларга чора кўриш тўғрисида
айтилди.

Иккинчи масала юзасидан директор
ўринбосари М. Раҳимбоев ўқитувчиларни
дарс ўтиши ва журналларга баҳолик
ўзгаришлар ҳақида гапирди.
Синф раҳбарлари билан ишлаш
ўқувчилар ва ота-оналар билан бир
иш олиб бориш тўғрисида топши-
риқлар берилди.

Учинчи масала юзасидан. директор ўринбосари Ғ. Худайберганов сўзга чиқиб, ўқувчиларнинг давомати, дарс қолдирганлиги, мактабда ўқитувчилар томонидан ўтказилмаган маданий тадбирлар, тўгар вақтида ўтказилмаётганлиги синф раҳбарларининг яхши ишламаётганлиги дарсга кеч қолиши тўғрисида гапирди. ХТБ томонидан берилган топшириқларнинг вақтида бажарилмаганлиги тўлиқ айтиб ўтилди.

Қарор:

1. Мактабда қатъий тартиб интизомга риоя қилишни назорат қилиш директор ўринбосари М. Раҳанбоевга юклатилсин.

2. Мактабда навбатчиликни тўғри олиб боришни назорат қилиш дирек ўринбосари Ғ. Худайберганов зиммасига юклатилсин.

3. Мактаб тартиб интизомни бузган қуйидаги ўқитувчиларга хайфсан берилсин.

1. Жумъатов Сайфулла 4 Рўзиева Роза
2. Жумъатова Шахноза
3. Сулейменова Дилноза
4. Сейтимова Нигора
5. [illegible] Набиева

Мажлис раиси [illegible] М. Рейимбоев

котиби М. Шипатов

Тасдиклайман

55-мактаб директори М.Рейимбаев

24.03.2021

ДАЛОЛАТНОМА

Тузилди ушбу далолатнома у хам булса 2021 йил 24 март куни мактаб маъмурияти томонидан укитувчи Д. Дуйшенова 16 февралдан 20 февралгача сабабсиз ишга келмаганлиги унинг 12 дарс соати иш хаки киркилганлиги ва 1 мартдан 6 мартгача ишга келмаганлиги сабабли Уз.Рес. М.К.нинг 181. модда2 кисмига мувофик интизомий чора сифатида 30,фоиз микдорида жаримага тортилиши айтиб тушунтирилди.

Ўкитувчи Дуйшенова Дамира 2021 йил 24 март кунги № 41 сонли буйрук билан танишишдан бош тортганлиги тугрисида имзо чекувчилар:

1.Ражапбоев Матназар

2.Ўразбоева Наргиза

3.Казакова Гулбахор

4.Юсупова Саломат

5.Маткаримов Мумин

№ 41 Буйруқдан кўчирма
24.03.2021 й.

Интизомий чора кўриш ҳақида

Ўқитувчи Дуйшенова Дамира 2021 йил 1-мартдан 6-мартгача сабабсиз ишга келмаганлиги сабабли ўзининг зиммасига юклатилган вазифани лозим даражада бажармай хизмат интизомини бузганлигини инобатга олиб шартномада белгиланган вазифаларини тўлиқ бажармаганлиги учун унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси М.К нинг 181-модда 2-қисми билан интизомий чора сифатида ойлик маошининг 30% миқдорида жарима солинсин.

Асос: ЎИБДЎ М. Дажанбоевнинг билдиришси ва баённомаси.

Директор М. Рейимбоев.

Ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ёки бермаслик тўғрисида Беруний туман мактаб мамурияти мажлиси баённомасидан

# Баённома

2021 йил 24-март Беруний тумани

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ўқитувчи Дуйшенова Дамира меҳнат интизомлигини бузганлиги учун чора кўриш ҳақида.

Тингланди ЎИБДЎ М.Ражапбоев сўзи.

Ўқитувчи Дуйшенова Дамира меҳнат интизомлигини бузганлиги ва сабабсиз ишга келмаганлиги учун, қайта такраран ўзига белгиланган вазифаларни бажармаганлиги учун биринчи маратоба унга нисбатан 181 -модданинг 1-қисмига мувофиқ ҳайфсан берилганлиги,шунингдек 16 ва 20-февраль кунлари хеч қандай сабабсиз ишга келмаганлиги учун унинг 4 кунлик лобаратория иши ва жами 12 ўқув соати иш хақи қирқилганлиги яна 1 - мартдан 6-мартгача сабабсиз ишга келмаганлиги,қайта такраран ўзига белгиланган вазифаларни бузганлиги учун М.К 181-модда 2-қисмига мувофиқ Дуйшенова Дамирага 30% миқтарида жарима қўланишингизни сўрайман.

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Мактаб маъмурияти:

Ўқитувчи Дуйшенова Дамирага нисбатан М.К 181 -модданинг 2-қисмига мувофиқ оилик маошидан 30% муқторида жарима қўланилсин.

**Мактаб директори:** **М.Рейимбаев**

ўқитувчиси Дуйшенова Дамирани директор хонасига чақириб унинг нима сабабдан ўтган хафтада ишга келмаганлигининг сабабини мактаб директори М.Реймбоев билан биргаликда сўраганда Дуйшенова Дамира менга мажлисларга қатнашмагани учун менга хайфсан берибсизлар шунинг учун атайлаб келмадим деди ва кўлингздан келганини килинглар мен хеч нарсадан қўрқмайман бу мактабингиздаги коллелтивингиз мен учун бир тийинга қиммат деб директор хузурида кўпол гапириб мен сизларнинг хеч қандай шанба кунидаги мажлисингиз менга қизиқмас мен шанба куни ўкувчиларимни паспорт столига олиб бораман деди. Мактаб директори М.Реймбоев менинг рухсатимсиз ўкувчиларни хеч қайерга олиб бормайсан деган гапларига хам қулоқ солмади мен рухсатни Халқ талими бўлимидан сураб қўйганман сизлардан хеч қандай рухсат сўраб ўтирмайман барибир паспорт столига олиб бораман ўқувчиларимни деб қўпол тарзда директор хонасидан чиқиб кетди, унинг хатти харакатларида мактаб жамоасига , мактаб рахбариятига хеч қандай хурматсизлиги билиниб турибди деди М. Жуматов ўз сўзида .

Мактаб маънавий Маърифий ишлар бўйича директор ўринбасари Ғ.Худайбергенов сўз олиб физика фани ўқитувчиси Дуйшенова Дамиранинг бундай хатти харакатлари мактаб ўқитувчилар жамоасининг соғлом мухитига зарар келтиради деди, унинг хафтанинг 5(бешинчи) кунидаги 11 А синфдаги 1 (биринчи) соатидаги Маънавият дарси ўтилмай қолди, бу ерда 30 (ўттиз) нафар ўқувчининг хеч қандай айби йўқ деди .

**МУЗОКОРАЛАРДА:**

Кун тартибидаги масала юзасидан сўзолган ўқитувчи ходимлар Дуйшенова Дамиранинг ишга булган маъсулиятсизлигини нотўғри деб атадилар барча бир овоздан у билан тузилган мехнат шартномасини бекор қилинишини маъқулладилар.

**МАЖЛИС ҚАРОРИ:**

1. Мактаб педогогика кенгаши физика фани ўқитувчиси Дуйшенова Дамира Муратбаевна билан тузилган мехнат шартномаси бекор қилинишини қўллаб қуватлайди.

Мактаб директори: М.Реймбаев

Котиба: Ў. Алимова

Беруний тумани ХТБ га қарашли 55 умумий ўрта таълим мактабининг педагогика

йиғилишининг навбатдан ташкари мажлис

**БАЁННОМАСИ № 6**

Беруний тумани 27 . 02 .2021 йил

Мажлис раиси : М.Рейимбаев

Котиба: Ў. Алимова

**Қатнашдилар:** 55 умумий ўрта таълим мактабининг педагогика кенгаш аъзоларидан иборат 40 нафар педагог ходимлар.

**КУН ТАРТИБИ:**

1.Мактаб физика фани ўқитувчиси Душенова Дамира билан тузилган мехнат шартномасини бекор қилиш туғрисида .

Маърузачи : Мажлис раиси :М.Рейимбаев

**ЭШИТИЛДИ:**

Кун тартибидаги масала юзасидан М.Рейимбаев сўз олиб мактаб физика фани ўқитувчиси Душенова Дамиранинг мехнат интизомига буйсинмай ишга маъсулиятсизлик билан қараб юрганалиги мухокама қилди. Фзика фани ўқитувчиси Дуйшенова Дамира

2021 йилнинг 16.02. куни хафтанинг 2 (сешанба) кунида 2 (иккинчи) сменада физика фанидан 7 А синфдаги 1 соат дарси 6 А синфдаги 1 соат дарсини ўқитмасдан ташлаб кетиб қолганлиги шу кундаги 2 сменадага навбатчи ўқитувчи Сеитова Дилфузанинг билдиргисида бу хақида маълум қилинган.

Шу куни физика фани ўқитувчиси Душенова Дамира дарсларимни ўқитмайман қўлларингдан келганларини аямасинлар деб кетиб қолган. Шу кундан бошлаб физика фани ўқитувчиси Душенова Дамиранинг рабарлик қилаятган 11 А синф журнали хам йўқ булиб қолганлигини хам айтиб ўтди.

11 А синф журналини физика лабаратория хонасида ёзиб ўтирганлигини кўрган ўқитувчилар хам бўлган. Шу кундан бошлаб Душенова Дамира хафта даъвомида 4 (тўрт) кун даъвомида мактабга ишга булган маъсулиятини хис қилмаган холда хеч қандай сабабсиз келмади.

Душенова Дамира хафталик жами 24 соат физика фани дарсидан 12 соати ушбу хафтада ўтилмай қолди. Хафта даъвомида 5(бешинчи) кундаги 11 А синфдаги Маънавия дарси хам ўтилмади.

Шанба кунлардаги мактабнинг хафталик мажлисларига хам умуман қатнашмай келмоқда деди М. Рейимбаев.

Йиғилишда Мактаб ЎИБДЎ Ражапбаев Матназар суз олиб Душенова Дамира нинг хафтанинг душанба куни яъний 22 феврал куни хеч нарса бўлмагандек кириб келганлиги нима сабабдана ўтган хафтада қолдирган кунлар учун мактаб рахбариятига хеч қандай изох бермасдан хаттоки мактаб рахбарият ходимларга салом бермасдан ўзишини давом эттириб ўтган хафтадаги ўқитмай қолдирган физика фанидан исинфлардаги синф журналига бахо қўйиб хам ёзиб тўлдириб ташлаган.

Мактаб укув ишлари буйича директор уринбосари М.Ражапбоев унинг рахбарлик килаятган 11 А синф журналини сураганди Дуйшенова Дамира Ражапбоев Матназарга журналга сен жавоб берасан деб менга копол муомалада булиб дўқ попса килди деди М.Ражапбоев.

Йигилишда мактаб бошлангич синф ўитувчиси Жуматов Мирзабек суз олиб физика фани

**Beruniy tumani XTBga qarashli**

**55-umumta'lim maktabi direktori**

**Reyimbayev Maxmud Saparbayevichga**

Beruniy tumani Xalq ta'limi bo'limiga qarashli 55-umumta'lim maktabi kasaba uyushma qo'mitasi sizning 2021-yil 1-martdagi 62-sonli xatingizga asosan D.Duyshenovaning masalasidagi ishini ko'rib chiqdi va o'zining qarorini qabul qildi. Bayonnoma va qarordi 3-betda ilova qilinadi.

**Maktab kasaba uyushma raisi.** **M.Jumatov**

Beruniy tumani X.T.Bga qarashli 55-umumta'lim maktabi kasaba uyishma qo'mitasi yig'ilishi
BAYONNOMASI. № 8

2021-yil 18-mart Beruniy tumani

Raislik qiluvchi; M.Jumatov kasaba uyishma raisi.
Qatnashdilar;
Qomita a'zolari; Z.Madetova , F.Matyakubova
Q.Bekmonov S.Matyakubova

Taklif etildi: A.Urazbayev , D.Duyshenova.

KUN TARTIBI :

Beruniy tumani X.T.Bga qarashli 55-umumta'lim maktabi ma'muriyatiing 2021-yil 1-martdagi maktabning Fizika fani o'qituvchisi Duyshenova Damiraning ishda qolish yoki qolmaslik bo'yicha kasaba uyishmasining qarorini berish haqidagi 62-SONLI xati to'g'risida.

ESHITILDI.

Kun tartibidagi masala yuzasidan 55-umumtalim maktabi kasaba uyishma qo'mitasi raisi M.Jumatov ma'ruza qilib quyidagilarga to'xtaldi .
Beruniy tumani X.T.Bga qarashli 55-umumta'lim maktabi ma'muriyatiing 2021-yil 1-martdagi 62-SONLI xatini o'qib berdi. Xatdan ko'rinib turibdiki D.Duyshenova feviral oyida bir necha bor darislarni qoldirgan. Bu masala bo'yicha bir qarorga kelishdan oldin kasaba uyushmasi azolarining fikirlarini, qolaversa shaxsan D.Duyshenovani tinglab, keyin qaror qabul qilinsa juda o'rinli bo'ladi degan taklifni aytib ma'ruzachi maktab kasaba uyushma qo'mitasi raisi M.Jumatov bo'lgan voqea bo'yicha tushuntirish berishini D.Duyshenovadan so'rab qisqacha ma'ruzasini tugatdi.

SO'ZGA CHIQDI :
Kun tartibi masala bo'yicha D.Duyshenova ,mana men 2015-yildan buyon sizlar bilan shu maktabda ishlab kelayabman , menimcha bunday holat mening foilyatimda birinchi marta bo'layotgan bo'lsa kerak.To'g'ri men dars soatlarini qoldirishimga ukamning to'yi sabab bo'ldi. Kelinni Qashqadaryo viloyati Koson shahri, Kosiblar mahallasidan oldik. Koson shahrida ham to'y qilindi, shunga ham qatnashib, kelinni shaxsan o'zim olib keldim desam xam bo'ladi.

Oilada onam, ukam, va men birga yashaymiz onam yaqinda ko'zidan operatsiya bo'ldi.
To'yning bor-keli, kamchiliklarini bartaraf qilish ushun shaxsan o'zim qatnashishim kerak edi.
To'y qilayotganimiz, Qashqadaryo viloyatidan kelin olayotganimiz sababli direktordan ruxsat olib ketgan edim.Agar direktor ruxsat bermagan
bo'lsa men tushunmasdan ruxsat qildi deb bemalol ketgan edim.Mening masalamda bir qarorga kelishdan oldin, ish jarayonimda shunday holat birinchi bor bo'layotganligini, ruxsat so'raganimni inobatga olishingizni sizlardan iltimos qilaman.Agar men tushunmasdan ketib qolgan bo'lsam maktabimiz ma'muriyatidan, jamoasidan uzr so'rayman.Tushunmovchilik tufayli ishdan qolganimni bir bor kechirishlarini yana bir bor so'rayman.Keyingi ish faoliyatimda e'tiborliroq bo'lib,dars soatlarimni sababsiz qoldirmayman degan fikrlarini bildirdi.

Qo'mita a'zolari F.Matyakubova. Z.Madetovalar. so'z olib D.Duyshenovaning oilasida onasi betobligi va tug'ishgan ukasining to'yi sababli ikki, uch kun ishga kela olmaganligini eshitgan edik.

Lekin D.Duyshenovaning maktabimizga ishga kelgandan buyon ish faoliyati yaxshi, faol o'qituvchilardan biri deb o'z fikirlarini bildirdilar.

Kun tartibi masala yuzasidan boshlang'ich sinf o'qituvchisi A.O'razbayev so'z olib, to'y maraka barcha o'qituvchilar oilasida bo'lishi mumkinligini va unda qatnashishga majbur bo'lib maktab ma'muriyatidan ruxsat so'rab ishdan qolishimizga to'g'ri kelishini aytdi va D.Duyshenovaning yuqorida aytganlarini inobatga olib ish faoliyatini davom ettirish uchun imkon berish taklifini kiritdi. Yig'ilish ishtrokchilari bu taklifni qo'llab-quvvatladi.

Maruzachini tinglab, so'zga chiquvchilarning so'zlarini eshitib bildirilgan takliflarni inobatga olib Beruniy tumani X.T.Bga qarashli 55-umumta'lim maktabi kasaba uyishma qo'mitasi yig'ilishi

QAROR QILADI:

1.Maktab ma'muriyati tomonidan 2021-yil 1-martdagi 62-sonli xatida fizika fani o'qituvchisi Duyshenova Damira Muratbayevnaga bildirilayotgan e'tiroz, ushbu o'qituvchining 5 yillik faoliyati ichida birinchi bor bo'layotganligi inobatga olinsin.
2.Fizika fani o'qituvchisi Duyshenova Damira Muratbayevnaning otasi vafot etganligi, betob onasini yolg'iz o'zi qarab, davolatib kelayotganligi, uyda boshqa ishlovchi yo'q ekanligi ukasi talaba ekanligi inobatga olinsin.
3. Yuqoridagilarni inobatga olib ma'muriyat bilan xodim fizika fani o'qituvchisi Duyshenova Damira Muratbayevna
o'rtasida bo'lib o'tgan tushinmovchiliklar uchun ushbu xodim bilan tuzilgan mehnat shartnomasini bekor qilinmasligiga unga nisbatan yengilroq intizomiy jazo qo'llanishiga kelishim berilsin.

4.Kun tartibidagi masla yuzasidan maktab ma'muriyatiga tegishli javob xati va kasaba uyishmasi qarorini yo'llash maktab kasaba uyushma qo'mitasi raisi M.Jumatovga yuklatilsin.

Kasaba uyushma qo'mita raisi ; M.Jumatov

Kotiba ; Z.Madetova
Qo'mita a'zolaril; F.Matyakubova
Q.Bekmanov
S.Matyakubova

Beruniy tumani XTB ga qarashli 55-umumta'lim maktabi
kasaba uyshma qo'mitasi
**QARORI № 8**

**2021-yil 18-mart** **Beruniy tumani**

Beruniy tumani XTB ga qarashli 55-umum ta'lim maktabi ma'muriyatining 2021 yil 1-мartdagi "maktab fizika fani o'qituvchishi Duyushenova Damiraning ishda qolish yoki qolmaslik bo'yicha kasaba uyushmasining qarorini berish haqida"gi 62-sonli xatini o'rganib chiqib maktab kasaba uyushma qo'mitasi

**QAROR QILADI:**

1.Maktab ma'muriyati tomonidan 2021-yil 1-martdagi 62-sonli xatida fizika fani o'qituvchisi Duvshenova Damira Muratbayevnaga bildirilayotgan e'tiroz, ushbu o'qituvchining 5 yillik faoliyati ichida birinchi bor bo'layotganligi inobatga olinsin.
2.Fizika fani o'qituvchisi Duvshenova Damira Muratbayevnaning otasi vafot etganligi, betob onasini yolg'iz o'zi qarab, davolatib kelayotganligi, uyda boshqa ishlovchi yo'q ekanligi ukasi talaba ekanligi inobatga olinsin.
3. Yuqoridagilarni inobatga olib ma'muriyat bilan xodim fizika fani o'qituvchisi Duvshenova Damira Muratbayevna o'rtasida bo'lib o'tgan tushinmovchiliklar uchun ushbu xodim bilan tuzilgan mehnat shartnomasini bekor qilinmasligiga unga nisbatan yengilroq intizomiy jazo qo'llanishiga kelishim berilsin.

4.Kun tartibidagi masla yuzasidan maktab ma'muriyatiga tegishli javob xati va kasaba uyishmasi qarorini yo'llash maktab kasaba uyushma qo'mitasi raisi M.Jumatovga yuklatilsin.

Kasaba uyushma qo'mita raisi ; M.Jumatov

Kotiba ; Z.Madetova
Qo'mita a'zolaril; F.Matyakubova
Q.Bekmanov
S.Matyakubova